

Тошкент шаҳри

2022 йил “23” ноябрь

Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи, Агентлик директори А.Саъдулаев бир томондан ва Лойихалар бошкаруви маркази нодавлат нотижорат ташкилоти (куйида матнда “Ижрочи” деб юритилади) номидан Устав асосида иш юритувчи, директори У.Исматов иккинчи томондан, ёшларга ўзининг турмушини яхшилантириш, касб-хунар ва бизнес билан шугулланиш оркали даромад топиш хамда уларга бундай фаолиятни йўлга кўйиншинг амалий жиҳатларини ўргатишга, устоз-шогирдчилик анъаналарини тарғиб этишга каратилган “коучинг” видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлар тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тушиб имзоладилар.

1. Шартнома предмети

1.1. “Ижрочи” мазкур шартноманинг 1,2-иловаларига мувофиқ ёшларга ўзининг турмушини яхшилантириш, касб-хунар ва бизнес билан шугулланиш оркали даромад топиш хамда уларга бундай фаолиятни йўлга кўйиншинг амалий жиҳатларини ўргатишга, устоз-шогирдчилик анъаналарини тарғиб этишга каратилган “коучинг” видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлар тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тушиб имзоладилар.

“Буюртмачи” эса ишларни қабул қилиб олиш ва бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизмат турлари учун хак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Шартноманинг умумий киймати ККСиз 1 080 200 000 (бир миллиард саксон миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади.

2. Тўловлар ва хисоб-китоблар

2.1. “Буюртмачи” “Ижрочи”га:

шартнома бўйича ишлар кийматининг 15 фоизи 162 030 000 (бир юз олтмиш икки миллион ўттиз минг) сўм миқдорида маблагни олдиндан ўтказиб беради;

шартноманинг иловаси бўйича ишлар бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар кийматининг колган 85 фоизи бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси (хисобварак фактура)га асосан тўланади.

2.2. Тўлов “Буюртмачи” томонидан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ѐниларга оид давлат сиёсатини кўллаб-куватланиш жамғармаси маблаглари хисобидан амалга оширилади.

3. Ишларни бажарини муддати

3.1. “Ижрочи” ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришига киришади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича хорижий давлатларда юкори натижаларга эришган юртдошлиларимизга бағишиланган эксклюзив контентлар яратиш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.

4. Шартноманинг амал қилиши муддати ва шартлари

4.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

4.2. Шартномани амал қилиши муддати 2022 йил 31 декабргача.

5. Томонлариниң хуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. “Ижрочи”нинг хуқуқлари:

шартнома хакини тўлашни талаб қилиши;

шартнома шартларига тўлиқ риоя этишини талаб қилиши;

ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатишга оид таклифлар берин ва “Буюртмачи”дан якуний қарорларни талаб қилиши;

хорижий давлатларда юкори натижаларга эришган юртдошлиларимизга бағишиланган эксклюзив контентлар яратиш доирасида юзага келадиган мажбуриятларни ўз кучи ва/ёки ташки манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва ҳ.к) жалб қилган ҳолда амалга ошириш.

5.2. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:

шартнома шартларини сўзсиз бажарини;

мазкур шартноманинг иловаларда белгиланган иш ҳажмларини ўз вактида тўлиқ ва сифатли қилиб бажарини ҳамда бажарилган ишларни хисоб-фактурасида кўреатини;

мазкур шартноманинг иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўз кучи ва/ёки ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва ҳ.к) жалб қилиб белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни “Буюртмачи”га шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

“Буюртмачи”нинг талабига мувофиқ бажарилган ишлар юзасидан хисоб-фактурасини “Буюртмачи”га тақдим қилиш.

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни барчасини бажаришни ўз зиммасига олиш.

5.3. Ижрочи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи ва/ёки ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва ҳ.к) жалб қилган ҳолда бажарилиши юзасидан “Буюртмачи” олдида мулкий жавобгар ҳисобланади.

5.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ёки бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгаришилар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

5.5. “Буюртмачи”нинг ҳукуқлари:

ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни талаб қилиш;

мазкур шартноманинг иловада белгиланган иш ҳажмларини ўз вақтида тўлиқ ва сифатли қилиб бажаришни талаб қилиш.

5.6. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

шартномада белгиланган микдорда ва муддатда шартноманинг иловасида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун “Ижрочи”га ҳақ тўлаш;

бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардаги хато камчиликларни улар вужудга келган пайтдан ўн кун ичida “Ижрочи”га ёзма равишда маълум қилиш;

6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

6.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.2. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳакида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишилари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган мажбуриятлар юклатилади.

6.3. Ўзаро хисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиши ҳакида ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

6.4. Бажарилган ишлар (босқичлар)да асосли камчилик ва нуқсонлар аниқланганда “Ижрочи” уларни беғараз бартараф этади.

7. Бажарилган ишлар бўйича муаллифлик ҳукуқлари

7.1. Мазкур шартнома бўйича иш жараёнида ҳосил бўлган бажарилган ишларнинг муаллифлик ҳукуқи ва ҳукукий муҳофазаси билан bogliq барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

7.3. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар “Ижрочи” томонидан “Буюртмачи”га доимий фойдаланиш ва сотиш ҳукуқи билан топширилади.

8. Тарафларнинг жавобгарлиги

8.1. “Буюртмачи” ишларни қабул қилиб олган кундан бошлаб 10 (ўн) календар куни мобайнида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардаги семантик, орфографик ва грамматик хатоларни, носоз гиперҳаволалар, юкланмаётган расмлар ва бошқа хатоликлар мавжудлигини текшириб чиқиши ва камчилик ёки хатолик топилган тақдирда “Ижрочи”га хабар бериши лозим.

8.2. “Ижрочи” бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардаги аниқланган хатоликлар ва камчиликларни ўз ҳисобидан 10 (ўн) иш куни мобайнида бартараф этиши шарт.

8.3. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, “Буюртмачи” томонидан берилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун “Буюртмачи” “Ижрочи”га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди. Пеня тўланиши

“Буюртмачи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

8.4. “Ижрочи” ишларни ўз вақтида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган иш қийматининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлади.

8.5. “Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун “Ижрочи” “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган иш қийматининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлади.

Пеня тўлаш “Ижрочи”ни ишларни бажаришнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

8.6. Агар бажарилган ишлар ушбу шартномианинг иловасига мувофиқ бўлмаса, “Буюртмачи” “Ижрочи”дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 15 фоизи миқдорида жарима ундириш хуқукига эга.

8.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8.8. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

9. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс-мажор)

9.1. Агар томонлар мажбуриятни қисман ёки тўла ижро этмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

9.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият келтириб чиқарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

9.3. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, “Ижрочи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиши учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қилидилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

10. Низоларни ҳал этиш тартиби

10.1. Шартнома тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек, келтирилган зарарни қоплаш чогида томонлар ўртасида вужудга келадиган баҳслар ўзаро муҳокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, конунчиликда бегиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

11. Коррупцияга қарши шартлар

11.1. Томонлар:

Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартномада бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ёки коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатсизликларни содир етмайдилар;

Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатли вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти-харакатларни/харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиласидилар.

11.2. Томонлар ушбу Шартноманинг 11.1-бандидаги талабларни бузуб содир етганлиги ёки содир етилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақида иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

12. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиши ҳамда бекор қилиш тартиби

12.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равища расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

12.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шарти билан йўл қўйилади.

12.3. “Ижрочи”нинг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, “Буюртмачи” шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.4. “Ижрочи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишлар “Буюртмачи” томонидан бир ойдан ошик муддатга тўхтатилса, “Буюртмачи” ишларнинг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, “Ижрочи” шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгacha эътиroz билдиrmаса шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

13. Шартноманинг алоҳида шартлари

13.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

13.2. “Ижрочи” бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш ҳуқукига эга бўлмайди.

13.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

13.4. “Буюртмачи” билан “Ижрочи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш орқали ёзма равища тасдиқлашлари керак.

13.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

13.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“БУЮРТМАЧИ”

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати
100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 11Б
«Марказий банк» Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси ИФУТ 84111,
МФО 00014, СТИР 207 323 290
ХС 23 402 000 300 100 001 010
Молия вазирлиги ғазначилиги
амалиёт бошқармаси
Фазна ХС 23 402 000 300 100 001 010
“Марказий банк” Тошкент ш. Бошқармаси
МФО 00014
СТИР 207 323 290

Директор

А.З.Саъдуллаев



“ИЖРОЧИ”

Лойиҳалар бошқаруви маркази нодавлат
нотижорат ташкилоти
100011, Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси
11А
Х.Р: 20212000104636785004
МФО: 00407
ИНН: 206926783

Директор




(Ҳуқуқий ҳудосе б-н)

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва Лойиҳалар бошқаруви маркази
ННТ ўртасидаги 2022 йил 23-

нонгур -даги
№ 14-сонли шартномага
1-илова

Бажариладиган ишларга қўйиладиган техник талаблар

1. **Тайёрланадиган видео материаллар мавзуси:** Ёшларга ўзининг турмушини яхшилаш, қасб-хунар ва бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишига, устоз-шогирдчилик анъаналарини тарғиб этишига қаратилган “коучинг” видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлар тайёрлаш учун.

2. Видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлардаги тасвирга сифат бўйича талаблар: **4K (3840x2160) 16:9 форматда 20 битрате ва ундан юкори.**

3. Видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлардаги овоз бўйича талаблар: **ААС форматдаги 320 кб/с - стерео сифатда ва ундан юкори.**

4. Жами видеодарсликлар сони: **110 та**

5. Видео материаллар ва дарсликлар. мотивацион роликлар давомийлиги **90 сониядан 15 дақиқагача**

6. Видео материаллар ва дарсликлар. мотивацион роликларни ишчи тили ўзбек тили хисобланади, ижрочи томонидан инглиз ва рус тилларида субтитр қўшилиши мумкин.

7. Ўқув видеодарсликларини қўйидаги техник ускуналарда тасвирга олиниши талаб этилади:
Объектив - 16мм, 24мм, 35мм, 50мм, 135мм

Реле - Тележка

Кушимча - микрофон/нетличкалари, дрон ва хоказо.

Монтаж: профессионал, рангли коррекция, ВФХ графика.

Муаллифлик хуқуқлари бўйича талаблар:

8. Видео маҳсулотни яратишнинг барча босқичларида ижрочи амалдаги қонунчиликка амал қилган ҳолда видео маҳсулотдаги тасвирлар, ёзув куринишидаги матнлар, товушлар. мусиқалар. овозлардан фойдаланиш талаб этилади. Сиз тақдим этган видео маҳсулотда муаллифлик хуқуқлари бузилган холатда, қайта тахрир қилиш талаб этилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда видео маҳсулот Буюргмачи томонидан қабул қилинмайди. Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчилар видеонинг бошлангич қисмида буюртмачининг логосини жойлаштириши талаб этилади. Шу билан биргалиқда ишлаб чиқилган видео маҳсулот ишлаб чиқувчининг муаллифлик ижодий мулки хисобланиб, тасдиқланган тақдирда эркин тарқатиш ва фойдаланиш имкониятига эга.

9. Ижрочи видео материаллар на дарсликлар, мотивацион роликларнинг бошлангич қисмида буюртмачининг логосини жойлаштириши талаб этилади. Хар бир йўналиш бўйича ўқув дастурлари матн шаклида электрон платформага жойлаштирилади. Ўқув дастурларини тақдим этиши шарт. Хар бир видео материаллар ва дарсликлар. мотивацион роликлар йўналишга мос маҳсус биноларда суратга олиниши керак.

10. Ижрочи томонидан тайёрланган видеодарсликлар электрон платформада (интернет тармоғида яратилган сайтга) жойлаштирилади. Ушбу дарсликларни барча учун бепул кўриш имконияти яратилади.

“БУЮРТМАЧИ”

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати
100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 11Б
«Марказий банк» Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси ИФУТ 84111,
МФО 00014, СТИР 207 323 290
ХС 23 402 000 300 100 001 010
Молия вазирлиги ғазначилиги
амалиёт бошқармаси ASI YOSHSHAR HARI
Газна ХС 23 402 000 300 100 001 010
“Марказий банк” Тошкент ц. Бошқармаси
МФО 00014
СТИР 201122919

Директор А.З.Саъдуллаев



“ИЖРОЧИ”

Лойиҳалар бошқаруви маркази нодавлат
нотижорат ташкилоти
100011, Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси
11А
Х.Р: 20212000104636785004
МФО: 00407
ИНН: 206926783

Директор ЛОЙИҲА Ў.А. Исматов



**2022 йил 23 ноябрдаги шартнома лойиҳасининг амалдаги
қонунчилик хужжатларига мувофиқлиги юзасидан
ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

Шартнома тури: ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш.

Шартнома тарафлари: Ёшлар ишлари агентлиги ва “Лойиҳалар бошқаруви маркази” МЧЖ (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2020 йил 9 июнда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида 660р-сон гувоҳнома).

Шартномани тузишга асос: Ёшлар ишлари агентлиги директорининг “Давлат ижтимоий буюртмасини ажратиш тўғрисида”ги 2022 йил 6 июндаги 01-10/169-сон буйруғи, Ёшлар ишлари агентлиги Харид комиссиясининг энг яхши таклифларни танлаш бўйича 173066-сон лот бўйича баёни.

Шартноманинг амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқлиги:

1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” деб номланган 38-боби қоидалари билан тартибга солинади.

2. Шартномада унинг предмети, тарафларнинг мажбуриятлари, хизматларни кўрсатиш муддатлари ва тартиби, хизматлар қиймати ва ҳисобкитобларни амалга ошириш тартиби, коррупцияга қарши қоидалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сон Фармони З-бандига мувофиқ), тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал қилиш тартиби, форс-мажор ҳолатлари, шартноманинг амал қилиш муддати ва бекор қилиш тартиби, тарафларнинг реквизитлари белгиланган.

Ёшлар ишлари агентлиги Юридик бюроси томонидан хуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра

Х У Л О С А :

2022 йил 23 ноябрдаги шартнома лойиҳаси амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ таҳрирда тузилган.

Ушбу хулоса шартноманинг суммасига, Ижрочи томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва товарларнинг қиймати бозор нархларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги масаласига татбиқ этилмайди ва Юридик хизмат ушбу масала юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Юридик бюро бошлиғи

А.Халиков

2022 йил 23 ноябрь